

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
САНЪАТ КАФЕДРАСИ

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВИШИ

Мавзу: Мусиқий қобилиятларни диагностика қилиш
йўл ва усуллари.

Бажарди: 4-курс талабаси Дилфуза Маджидова

Илмий раҳбар: доцент А.Р.Баҳриев

Бухоро – 2012

Р Е Ж А:

Кириш.

1 БОБ. МУСИҚИЙ ҚОБИЛИЯТЛАР ДИАГНОСТИКАСИ.

§ 1.1. Мусиқий қобилиятлар диагностикаси тарихидан.

§ 1.2. Мусиқий қобилиятларни диагностика қилишнинг педагогик-психологик аҳамияти.

2 БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА МУСИҚИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ ЙЎЛ ВА УСУЛЛАРИ.

§ 2.1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини ўрганиш.

§ 2.2. Ўрта синфлар мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини диагностика қилиш йўл ва усуллари.

ХУЛОСА.

ТАВСИЯЛАР.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

ИЛОВЛАР.

Кириш.

Ҳозирги шароитда таълим тизими жамиятни ривожлантирувчи ва уни жаҳонга олиб чиқувчи асосий ижтимоий омиллардан бўлиб қолмоқда. Чунки, таълимни ривожлантириш ва уни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш орқали рақобатбардош кадрлар етиштириш таълим тизимининг якуний натижаларидан ҳисобланади. Айниқса, мусиқа санъати ривож топаётган жамиятимиз ёшларининг маънавий тараққиётида, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида шундай сўзлар келтирилган: - “Уйида дутор, дойра ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”¹.

Бу қимматли ғоялар мусиқанинг бадиий-эстетик ва тарбиявий имкониятларидан кенг фойдаланиш, ёш авлодни мусиқий билимлар билан қуроллантириш орқали уларда юртимизнинг миллий кадриятлари, анъаналарига, маданиятимиз ва маънавиятимиз дурдоналарига нисбатан фаол ижобий муносабат ва қизиқишни тарбиялашда дастуриламал бўлади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 141 б.

Бугунги кунда умумтаълим мактабида амалга ошириладиган музика таълими ўқувчиларни миллий қадриятларга ҳурмат ва нафосат руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004-2009 йилларга мўлжалланган давлат умуммиллий дастури вазифаларини амалга ошириш педагог ходимларнинг бурчига айланди. Жумладан, музика таълими орқали ёшларни баркамол, юксак маънавиятли этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

1-7 синфлар умумий ўрта таълимнинг муҳим қисми бўлиб, музика маданияти дарслари ўқувчиларга нафосат тарбияси бериш, миллий маданиятимиз, қадриятларимизни қўшиқ ва куйлар воситасида ёшлар қалбига сингдириш вазифасини ўз олдига қўяди.

Бинобарин, сеҳрбахш оҳанглар воситасида музика санъати ёш авлодга кучли ҳиссий таъсир кўрсатиш қудратига эга. Шу боис, музика санъати бўйича ўқувчиларда мустақил билиш фаолиятини изчил шакллантириш ва ривожлантириш тақозо этилади.

Музикаий таълимнинг мавжуд ҳолатини, ўқувчиларнинг музикаий билимларни қай йўсинда ўзлаштиришлари даражасини билиш уни такомиллаштиришнинг асосидир. Шу мақсадда болалардаги мавжуд музикаий қобилиятлар даражаси мунтазам диагностика қилиниши, ўрганилиши лозим.

Музикаий қобилиятлар, қолаверса, умумий музикаий фаолиятлар диагностикаси мутахассислар, ўқитувчилар учун зарур бўлиб, шу орқали улар ҳар бир ўқувчининг реал музикаий имкониятларини билиб оладилар, унга баҳо берадилар ва шу орқали ўқувчиларнинг

музикий қобилиятларини ривожлантириш ишлари
режалаштирилади, истиқболдаги музикий таълим вазифалари
белгиланади.

1 БОБ. МУСИҚИЙ ҚОБИЛИЯТЛАР ДИАГНОСТИКАСИ.

§ 1.1. Мусиқий қобилиятлар диагностикаси тарихидан

Мусиқий фаолиятларда муваффақиятларга эришиш асоси бўлган мусиқий қобилиятлар борасида фикр юритишдан олдин умуман, қобилиятлар ва уларнинг психологик табиати ҳақида таҳлилий фикр мулоҳаза юритамиз.

Чунончи, қобилиятлар шахснинг шундай индивидуал психик хусусиятларики, билим, малака ва кўникма орттириш уларга боғлиқ. Лекин бу хусусиятларнинг ўзи билим, кўникма, малакага боғлиқ бўлмайди. Қобилиятлар билим, малака ва кўникмаларни эгаллашда намоён бўлади, лекин қобилият ва билим, кўникма ва қобилият, қобилият ва малака бир-бири билан айнан бир нарса эмас. Малака, кўникма ва билимлар учун қобилият асос бўлиб ҳисобланади. Унинг асосида эса имконият ва лаёқат ётади, инсон қобилияти билим, кўникма ва малакалар учун имконият экан, шу имконият асосида билим, кўникма ва малака эгаллаш меҳнатга, шунингдек, атроф - муҳит шароитига боғлиқдир.

Қобилиятлар бу - имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиб, такомиллашиб бориши учун ҳам ички ва ташқи шароит керак, бу эса фақат фаолиятда намоён бўлади. Фақатгина ўзига тегишли фаолиятда қобилият яққол намоён бўлади ҳамда ишнинг кечиши сифат самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Ҳар бир ўқувчида зарурий кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш билим олиш усулларида, фанга нисбатан мавжуд

қизиқиши даражасига боғлиқ бўлади. Ўқувчиларнинг фақатгина тажрибаси йўқлигига асосланиб, жиддий текшириб кўрмай туриб, уларда қобилият йўқ, деб хулоса чиқариш қўпол психологик хато ҳисобланади. Қобилиятлар билим, кўникма ва малакаларнинг ўзида кўринмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади.

Хуллас, қобилиятлар шахс фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шароити, имконияти ҳисобланган ва билим, кўникма ҳамда малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал - психологик хусусиятдир.

Қобилиятлар ўз моҳият эътибори билан индивидуал психологик хусусият бўлса-да, шахснинг ақлий сифатлари, хотира хусусиятлари эмоционал характер хусусиятларига қарама-қарши эмас, балки фаолиятнинг унумли кечиши зарур бўлган хусусиятлар билан боғлиқ бўлади.

Қобилиятлар шахсларнинг бир-биридан фарқланиш сифатларини изоҳлайдиган индивидуал психик хусусият ҳисобланади. Қобилиятлар шахсларнинг фарқланиш асоси экан, сифат нуқтаи-назаридан таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Бир фаолиятни бажариш жараёнида унинг сифатига таъсир этувчи жуда кўп шахсий хусусиятлар бўлиши мумкин. Улар бир-бирини тўлдириш жараёнида фаолият муваффақияти таъминланади. Шахс қобилиятининг муҳим томони ҳам шундаки, бир хусусиятнинг ўрнини бошқа хусусият билан компенсациялашнинг кенг имкониятлари мавжуд.

Инсон қобилиятларининг компенсаторлик имкониятларини кўриш, эшитишдан маҳрум бўлган одамларда кўриш мумкин. Бундан ташқари, психологик сифатлар маълум бир фаолият талабларига жавоб беришини аниқлагандан сўнг, қайси психологик хусусиятлар инсонда қай даражада ривожланганини аниқлаш мумкин.

Қобилиятларни миқдор жиҳатдан ўлчаш муаммоси қадимдан муаммо бўлиб келган. Бунинг келиб чиқишининг асосий сабаби одамларнинг бир-биридан фарқланиши ҳисобланади.

Қадимги ўрта асрда Мисрда жангчи ва сарой хизматчиларини танлашда махсус синов ўтказилган, бундаги талаблардан бири, ер остида ўз кўрқувини енга олиш бўлган. Шундан ўтган талабгорнинг меҳнатга бўлган муносабати ва сукут сақлаб тинглай олиши хусусияти ўрганилган. Талабгор шу синовдан кейин кечқурун бегона гўзал аёл ёнига киритилган. Шунда ҳам ўзининг руҳий ҳисларини идора эта олган талабгор ишга қабул қилинган, синовдан ўта олмаса, саройда қул бўлиб қолган.

Шунингдек диний, фалсафий ва буддизм таълимоти вакиллари ҳам қобилиятни синашда топишмоқ ва саволдан фойдаланган. Шунда талабгор саволга жавоб бераётганда кучли руҳий зўриқишга учраши назарда тутилган.

Келтирилган шу мисолдан кўринадики, ҳозирги замон ақлий қобилият тестларида шундай принцип қўйилади: кўп ўйлаб ўтирмасдан, тез жавоб бериш талаби ёки вақтнинг

чегараланганлиги тарихий тажрибалардан келиб чиққан мезон ҳисобланади.

Антик Грецияда махсус синов - танловлари ўтказилган. Масалан: Пифагор ташкил этган мактабда ўзига хос танлов бўлган, у толибларнинг юриши ва кулишини жуда синчиклаб ўрганган. Пифагорнинг фикрича, юриш ва кулиш шахс характери ва ички иимкониятларининг ташқи намоёнлигидир. Мисоллардан кўринадики, таълим-тарбия беришда турли усуллар қўлланиб келинган.

Ривожланаётган шахснинг индивидуал фарқланиш сифатларини илмий ўрганишга инглиз олими Фрэнсис Гальтон асос солди ва 1880 йилда шахснинг индивидуал фарқланиш усулини тест деб атади. Унинг ғояларини америкалик психолог Кэттел давом эттирди. У инсонларнинг жисмоний ва рухий ҳолатларини ўрганиш учун 50 дан ортиқ тест яратди. Шахсларнинг индивидуал фарқларини аниқлашга қаратилган Бине, Мюрнстерберглар қўллаган усуллар ҳам Кэттел тестларига қўшилди.

Демак, индивидуал хусусиятларни миқдор жиҳатдан ўлчаш муаммоси ўн йиллар давомида илмий ишлар асосида системалашди. Тестлар бўйича ишлар бажарилгандан сўнг уларнинг натижалари стандартлаштирилган усуллар билан яқунланиб, умумий тўпланган балллар ҳисобланади.

Буюк психолог Л.С.Виготский асоссиз бўлган илмий истеъдод тестларини танқид қилиб деган эди: “Агар бола унга тавсия этилган масалани еча олмаса, унда бу фактнинг ўзи ҳали боланинг

қобилиятлари ҳақида ҳеч нарса билдирмайди, бу боланинг тегишли билимга эга эмаслигини кўрсатади, холос”.

Маълумки, ақлий тараққиёт таълим-тарбия жараёнида амалга ошади. Ҳозир бир масалани мустақил ҳал эта олмаган бола, уни катталар ёрдамида ҳал этади. Тажриба ҳосил қилгандан кейин эса мустақил бажаришни ўрганиб олади. Шунинг учун ҳам Виготский инсон қобилиятини аниқлаш учун камида икки марта, бўлмаса уч марта тадқиқ қилишни тавсия этади.

Биринчи марта бериладиган топшириқни мустақил ҳал этиш, иккинчи марта катталар ёрдамида ҳал этиш, учинчи марта бажарилган тестнинг натижаси эса таққослаш учун зарурдир. Боланинг қобилияти ана шу ўрганиш натижаларини таққослаш йўли билан аниқланади. Агар ҳар гал болада сифат ўзгариши бир хил бўлса, бу бола қобилиятининг юксак эмаслигидан дарак беради.

Қобилиятларнинг тузилиши: қобилиятлар мураккаб структурага эга бўлган психик сифатлар йиғиндиси орқали аниқ фаолият талаблари билан белгиланади ва ҳар хил фаолият учун турлича психик сифатлар йиғиндисига тўғри келади. Аниқ фаолият талаб қиладиган қобилиятлардан айримлари шу фаолият учун доминант (устувор) бўлса, айримлари ёрдамчи ҳисобланади.

Турли қобилиятларнинг психик тавсияларидан келиб чиқиб бу қобилиятларда бирта эмас, балки барча талабларга жавоб берувчи умумий сифатларни ҳам кўрсатиш мумкин. Бу турли касбларга доир умумий қобилиятлар борлигини кўрсатади.

Фаолиятда намоён бўладиган шахснинг бундай умумий сифатларини И.П.Павлов 3 типга ажратиб, классификация қилади:

1. Бадиий тип.
2. Фикрловчи тип.
3. Ўрта тип.

Бу типологияни Павлов инсон олий нерв фаолиятининг иккинчи сигналлар системаси (тузилмаси) назариясидан келиб чиқиб белгилайди.

Биринчи сигнал системаси образлар, эмоциялар орқали ташқи таъсирларга жавоб бериш усули бўлса, иккинчи сигнал системаси эса образлар ҳақида сўз орқали сигнал беришдан иборатдир. Демак, иккинчи сигнал системаси сигналларнинг сигналидир.

1. Психик фаолиятда биринчи сигнал доминант ёки етакчи бўлса, бундай одам бадиий типга киради.

2. Сигналлар сигнали устун бўлса, фикрловчи типга киради.

3. Ҳар иккаласининг оралиғидагилар - ўрта типга киради.

Демак, бадиий типга мансуб одамлар жонли тасаввур образларининг ёрқинлиги ва таассуротининг бойлиги билан намоён бўлади.

Павлов ўзининг ушбу назариясидан келиб чиққан ҳолда қобилиятларнинг физиологик ва ижтимоий-психологик жиҳатларини умумлаштирган ҳолда уни иккига бўлади:

1. Умумий қобилиятлар эгаси - кенг диапазондаги фаолият турлари билан шуғулланиш имконига эга бўлган, универсал киши.

2. Махсус қобилият эгаси - бир йўналиш асосидаги математик, муҳандис, рассом, муסיқачи, нотик, ташкилотчи-рахбар, медиклар ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Талант - истеъдод ва қобилиятлар йиғиндисидан иборат. Талант кенг қамровли фаолиятга қарашли психик сифатлар йиғиндиси, шунга асосан ақлий истеъдод ҳам қобилиятлар йиғиндисидан талант даражасига кўтарилиши мумкин.

Маълумки, қобилиятнинг асоси лаёқат ҳисобланади. Қобилият тараққиётининг дастлабки шарти сифатида намоён бўладиган мия тузилиши, сезги аъзолари ва ҳаракатларнинг шартланган ҳамда функционал хусусиятлари лаёқат дейилади.

Лаёқат - мия ҳажми, пўстлоғи, микроструктураси (ички тузилиши)га боғлиқ асосда фаолият жараёнида ривожланиб, қобилият сифатида намоён бўлади. Инсон лаёқатининг ривожланиб қобилиятга айланишига ва қобилиятларининг янада ривожланишида шахснинг қизиқишлари асосий омил ҳисобланади.

Демак, айтиш мумкинки, инсон ички имкониятларини ўрганиш, диагностика қилиш дастлаб ақлий имкониятларни ўрганиш сифатида бошланган, бунга мисол тариқасида 1905 йилда ишлаб чиқилган Альфред Бине ва Сен-Симонларнинг интеллект тестларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Инсонлардаги дифференциаллик, яъни уларнинг бир-биридан фарқларини, жумладан муסיқий қобилиятларидаги фарқлар асосида ўрганиш ишлари 20-асрда кенг ривожланди. Бу борада тадқиқот ишлари олиб борган олимларга мисол тариқасида Москва давлат

консерваторияси профессорлари, музикашунослар А.Гарбузов, В.Медушевский, Б.Теплов ва социолог А.Н.Сохорларни келтириш мумкин.

Кейинги даврда бу йўналишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали кенг илмий изланишлар олиб борилиши натижасида муҳим илмий ютуқларга эришилмоқда. Бу эса музикаий фаолиятларни диагностика қилиш ишини янги сифат босқичига кўтаришга асос бўлмоқда.

Ўқувчилардаги мавжуд музикаий қобилиятларнинг намоён бўлиши даражасини диагностика қилиш борасида кейинги параграфда сўз боради.

§ 1.2. Музикаий қобилиятларни диагностика қилишнинг педагогик-психологик аҳамияти

Бадий-ижодий фаолиятлардан бири сифатида музикаий фаолият кўпқиррали бадий жараён бўлганлиги боис, уни муваффақиятли амалга ошириш ўқувчидан катта иқтидор ва куч сарфлашни талаб этади. Бундан ташқари, музикаий фаолиятларнинг муваффиқияти ўқувчидаги музикаий қобилиятларнинг мавжуд даражасига кўп жihatдан боғлиқдир.

Музикаий қобилиятлари кучли ифодаланмаган ўқувчининг юқори натижаларни қўлга киритиши мушкул. Агар маълум ўқувчида музикаий қобилиятлари нисбатан юқори ифодаланган бўлса, унинг бу борада ишлаши ҳам, катта муваффақиятга

эришиши ҳам енгил кечади, аксинча бўлса, бирон юқори даража ёки натижа борасида гапириш қийин.

Шунинг учун ҳам музика педагогикасида болаларнинг музикаий қобилиятларини ўрганишга, уларни диагностика қилиш ишига муҳим педагогик фаолият қирраси сифатида қараш шаклланган.

Агар эътибор билан қаралса, таълимнинг биринчи йилидан бошлаб болалар дарсда изчил музикаий фаолиятларга жалб этилади. Шу боис, уларнинг дарсда бажарадиган музика тинглаш, музика саводи, қўшиқ куйлаш, музикаий ритмик ҳаракатлар, чолғу созлари билан танишиш, ижодкорлар ижоди билан танишиш каби фаолиятларининг натижаси юқори бўлиши муҳимдир. Бу эса ўқитувчидан ҳар бир ўқувчининг музикаий қобилиятлари даражаси борасида зарурий маълумотларга эга бўлишни талаб қилади.

Педагог ва психологлар фикрича, ҳар бир соғлом бола оламни билиш, англаш бўйича идрок ҳамда муносабат билдиришнинг, яъни, ҳиссий зийрак ва музикаий зукко инсон бўлиб ўсиш учун барча имкониятларга эгадир. Ҳақиқатан ҳам, бола ҳар қандай ташқи таъсирга жавоб беришнинг яхлит тузилмасига эга бўлади.

Ўқувчининг ҳиссий-эмоционал олами унинг атроф-олам билан мулоқотини ташкил этиши ва интеллекти ривожланишининг асосидир. Бола табиатан турли товушларнинг барча қирралари: баландлиги, ритмик тузилиши, динамикаси, тембрини тез идрок этиш хусусиятига эга бўлади.

Бироқ, замонавий оилалар, масалан, ота-онаси боладан ҳиссий жиҳатдан йироқ ёки айрим ҳолатларда асабий ҳолат ҳукмрон

оилада, ёки кўп товушларга нисбатан салбий муносабат мавжуд бўлган оилаларда, масалан, уйда аксарият ҳолларда баланд товушда гапирилмайди ёки аксинча жуда баланд гапирилиб, бақир-чақир кўп бўлиб турса, боланинг бу сезгилари кўпинча пасайиб кетиши мумкин. Бундай муҳит албатта боланинг муסיқий оҳангларни тинглаб, улардан маъно-мазмун топа олиш қобилиятининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Бинобарин, мусиқий фаолият ўзида олам товушларини идрок этишнинг кенг имкониятларини ва шу орқали ҳиссий жиҳатдан барқарорлик, босиқлик, ўз-ўзини бошқара олиш, иродалилиқ, мослашувчанлик сингари сифат ва хоссаларни акс эттиради. Булар эса ўқувчи учун ўзини ривожлантириш машқи вазифасини бажариши мумкин.

Бироқ, мусиқий ривожланишнинг бу тарздаги индивидуаллаштирилган дастурларини тузишда боланинг ривожланиши ва руҳий-ҳиссий тажрибаси хусусиятларини билиш талаб этилади.

Замонавий муסיқа-педагогикаси амалиётида мусиқий диагностиканинг қуйидаги соҳалари мавжуд.

1. Ўқувчининг индивидуал мусиқий имкониятлари ва мусиқий ривожланиши динамикасини ўрганиш. Ўқувчининг индивидуал мусиқий хусусиятларини ва мусиқий ривожланиши динамикасини объектив баҳоламасдан туриб, илмий асосланган, дифференциаллашган, шунингдек, индивидуал мусиқий таълимни

амалга ошириб бўлмайди. Бу талаб ўқувчиларнинг музикаий фаолиятини ташкил этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

2. Умумий ёки коррекцион методлар. Турли методикалар ёрдамида иқтидорли болалар билан махсус, шунингдек, умумий ёки коррекцион (тузатиш) музика таълимини амалга ошириш учун зарур.

Музика маданияти машғулотларида кўп ҳолларда ўқитувчилар учун ўқувчининг айнан қайси хусусият ва сифатлари ривожланган ёки қайси сифатларини ривожлантириш зарурлиги нисбатан ноаниқ бўлиб қолади.

Педагогик иш асосида нафақат музикаий-ижрочилик вазифалари амалга оширилиши, балки ҳиссий-ирода орқали ўз-ўзини бошқариш, ақлий иш қобилияти, диққат, хотира, тафаккурни ривожлантириш вазифалари ҳам устувор аҳамият касб этиши, бунда музика мақсад эмас, балки тарбия воситасига айланмоғи зарур.

3. Музикаий ривожланиш динамикасини ўлчашнинг стандартлаштирилган восита ва усулларини ишлаб чиқиш. Музикаий-педагогик жараёни бошқариш музика таълимида анъанавий ва инновацион технологиялар самарадорлигининг қиёсий маълумотларига эга бўлишни талаб этади. Музикаий ривожланиш динамикасини ўлчашнинг стандартлаштирилган восита ва усулларини ишлаб чиқиш шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган самарали музикаий-педагогик технологияларни яратишдаги муҳим психодиагностик вазифадир.

Шундай қилиб, музикаий қобилиятлар диагностикаси болаларни «қобилиятли ва қобилиятсиз»ларга ажратиш учун эмас, балки улардаги паст даражада ифодаланган музикаий лаёқат ва қобилиятни аниқлаб, тегишли хосса ҳамда сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган музикаий-педагогик дастурларни тузиш учун ҳам зарур бўлиб ҳисобланади.

Қобилиятлар учун зарур бўлган барча ички психологик шарт-шароитларни ўргангач, юқори бадиий савиядаги санъат талаблари нуқтаи назаридан музика материални ижро этиш тарзидаги дидактик вазифани қўйиш мумкин.

Ўқувчининг музикаий қобилиятлари яхши ривожланмаганлиги кузатилса, ўқитувчи уни ривожлантиришга йўналтирилган вазифаларни қўйиши лозим, бу эса музикаий таълим ва тарбиянинг ривожлантирувчи хусусиятини яна бир бор таъкидлайди.

Замонавий фанда қобилиятлар деганда, маълум фаолиятни самарали, яъни, тез ва сифатли амалга оширишда намоён бўладиган функционал хоссалар ва сифатлар яхлитлиги тушунилади.


Қобилиятларнинг биологик асоси лаёқатлар – туғма, организмнинг наслий хусусияти бўлиб, уларни инсоннинг устун темперамент хусусиятлари орқали таҳлил этиш мумкин. Бироқ, фақатгина лаёқатлар асосида инсоннинг қобилиятлари ривожланишини башорат этиш мумкин эмас, асосийси, музикани ўзлаштириш бўйича ижтимоий тажриба шаклланишидир.

Айтиш лозимки, умумий қобилиятлар предметли фаолиятнинг барча кўринишларида намоён бўлиши мумкин. Улар универсал


характерга эга бўлади ва у ёки бу фаолият, масалан мусиқий фаолият муваффақиятини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шундай қилиб, умумий қобилиятлар инсоннинг туғма генетик шартланган ва кейин эгалланган яъни, ижтимоий шартланган тажрибасига боғлиқ бўлади.

Зеро, фаолият предмети умумий қобилиятларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлмайди. Инсоннинг ушбу фаолияти яратувчи йўналиш оладими, қайси тажриба ва қайси муносабатлар бу фаолиятни шакллантиради, вазифанинг муҳимлиги шунда, мусиқа бунда мустасно эмас. У ҳақиқатан ҳам нафақат шахс имкониятлари, балки шахснинг уни ўраб турган олам билан ўзаро муносабати нуқтаи назаридан ўрганиш предмети сифатида муҳим бўлиб ҳисобланади.

Демак, лаёқатлар ва ижтимоий тажриба яъни ўрганганлик шахснинг интеллектуал имкониятларини, ундаги умумий қобилиятларнинг ривожланиш даражасини белгилайди:



Умумий қобилиятлар ифодаси сифатидаги мусиқий қобилиятлар ушбу чизмада акс эттирилган тарзда ривожланади, улар махсус фаолият тури сифатида ўқувчининг интеллектуал имкониятларини шакллантиришга имкон яратади.



Умумий қобилиятлар инсон психикасининг ҳаракат (мотор) ва билиш хусусиятларидан ташкил топади. Ўз навбатида ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг ҳаракат ёки тактил-кинестетик (тери орқали) ва билиш (аввало новербал (ёзма), психоэмоционал (руҳий-ҳиссий) хусусиятларини индивидуал ривожланишнинг туғма ва эгалланган хоссалари нуқтаи назаридан таҳлил этиш зарур.

Туғма-генетик шартланган имкониятларни мутахассислар темпераментнинг типологик хусусиятлари асаб тўқималарининг энергетик фаоллигига киритишади. Булар: кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучи, тезлиги ва мобиллиги ҳаракатчанлигидир. Бу фаоллик кўп ҳолларда инсон реакциясининг мотор-ҳаракат ва эмоционал (ҳиссий) характерини белгилайди.

Муסיқий фаолиятда шахснинг тактил-кинестетик (тери) ва мотор (ҳаракат) фаолияти хусусиятлари муסיқийликнинг муҳим характеристикаси муסיқанинг вақтли табиатини мақбул, адекват (айнан) идрок этиш ва қайта ярата олиш (репродуктив фаолият, яъни, ижро)га имкон яратадиган суръат, метр-ритм қобилиятларининг намоён бўлишига имкон яратади.

Психомотор яъни, ҳаракатларнинг руҳий жиҳатдан бошқарилишига асосланган қобилиятлар ҳам туғма хусусиятлар натижасида ҳаёт давомида, ижтимоий тажриба натижасида ҳосил

бўлади. Инсоннинг тери-мускул мушак тузилмаси мусикий - ижрочиликнинг ҳар қандай кўринишида товушларнинг ритмик тузилиши ва ташкил этилиши орқали иштирок этади.

Жумладан, вокал ижрочилигида товуш пайлари, халқум, нафас олиш органларининг мувофиқ ишлаши, мусикий-чолғу ижрочилигида эса туғма ва ҳаёт давомида эгалланган - бармоқлар, қўл, тирсак, билакнинг ҳаракати ва тузилиши, уларнинг ҳаракатчанлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мусикий фаолиятга имконият мавжудлигининг туғма психомотор хусусиятларини ва асаб тузилмасининг типологик, маълум шахс типига мансублиги хусусиятлари намоён этилишини инсоннинг устун характерга эга бўлган темперамент типлари воситасида ўрганилади.

Қуйидаги 1-жадвалда ўсмир ўқувчи организмидаги туғма имкониятлар хусусиятлари акс эттирилган.

1- жадвал

Темперамент типи	Асаб тузилмасининг асосий хоссалари	Организмнинг типик сенсомотор хоссалари характеристикаси
Сангвиник	• Кучли – узоқ муддатли ҳаракат юкламасига (нагрузка) бардошли. • Мувозанатлашган - қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари бир-бирига тенг, яъни, организм таъсир этаётган қўзғатувчилар (стимул) асосида ўз жавоб реакцияларини туғма	Метрик (ўлчов) ва темп (суръат) барқарорлигига, узоқ муддатга фаолликни сақлаб қолиш, янги фаолият шароитларининг кучли таъсирига енгил мослашувни намоён этишга интилади. Асаб жараёнларининг энергетик фаоллиги: 1) вақтли таассуротларни барқарор-метрик ҳис этиш ва

	бошқариш имкониятига эга. • <i>Ҳаракатчан</i> – бир ҳаракат реактивлигидан бошқасига енгил ўта олади.	2) пайдо бўладиган тўсиқларни енгилга туғма имконият ёки организмнинг импульсив эҳтиёжларини (ўз-ўзини эмоционал-иродавий бошқариш имконияти) тутиб қолиш (тормозлаш)да намоён бўлади. <i>Кучсиз, нозик, таъсирларни қийин қабул қилади. Эмоционал реакцияларни аниқлаштиришда, яъни, ҳаракатнинг асосий метроритмик ўлчамларидан оғишда қийинчиликлар сезади.</i>
Холерик	• Кучли – меъёрли мотор юкламаларига бардошли. • <i>Мувозанатлашмаган</i> - кўзғалиш жараёнлари тормозланиш жараёнларидан устун характерга эга, яъни мотор реакцияларини четдан ёрдам олмасдан ёки узоқ муддатли тренинг орқали бошқарув малакаларини эгалламасдан мустақил бошқара олмайди. • <i>Ҳаракатчан</i> – мотор реактивлигининг бир кўринишидан бошқасига тез ўта олади, яъни ўзини бир фаолиятга тез жалб этади ва диққатини кўчира олади.	Мотор-ҳаракат фаоллигини енгил сақлаб қола олади, метроритмик мотор реакцияларини бошқасига кўчиришда ҳаракатчанликни намоён этади. Ташқи таъсирларга тез берилувчанлик, метр ҳиссини акс эттиришда баъзи хатоларга йўл қўйилиши, темп барқарорлигини қийинчилик билан сақлашда намоён бўлади. <i>Барқарор метроритмик реакцияларни амалга оширишда ўзида қийинчиликларни ҳис этади; ҳаракатларни ритмик жиҳатдан деталлаштириш (мелизмлар) ва сенсомотор таъсирларни ўзида акс эттиришга интуитив жиҳатдан интилувчан бўлади.</i>

Флегматик	• Кучли – мунтазам давом этувчи, мотор юклама (нагрузка) ларга чидамли. • <i>Мувозанатлашган</i> – тормозланиш жараёнлари кўзғалиш жараёнларига қараганда устун характерга эга. Бу ўз реакцияларини барқарор фаолият шароитларида бошқаришга имкон беради. • <i>Инерт</i> - ўзи учун одат бўлган темп, метроритмик тартибда ҳаракат қилишга интилади; ҳаракатларнинг янги талабларига секин жавоб беради.	Узоқ давом этувчи ҳаракатларнинг фаоллиги ва тартибини осонгина сақлай олади. Асаб тўқималарининг энергетик фаоллиги қийин кўзғалиш (инертлик) билан намоён бўлади, шундан барқарор секинлашган (<i>sostenuto</i>) темп, метр-ритмик ва эмоционал ўз-ўзини ифодалашга интилиш келиб чиқади. <i>Янги фаолият шароитларига, ҳаракатларни бошқаришнинг янги талабларига қийин мослашади. Эмоциялар ва ритм ўзаро муносабатларини бўш идрок этади.</i>
Меланхолик	• Кучсиз – ҳатто кучсиз кўзгатувчиларга нисбатан ҳам юқори даражадаги сезувчанлик, енгил ва тез мослашувчанлик, фаолиятнинг ички ва ташқи шароитларига боғлиқлик. Энергиянинг тез исроф этилиши ва қисқа муддатли (даврий) иш қобилиятининг намоён этилиши.	Нозик ҳаракат реактивлиги, ритмик мелизмларнинг ҳатто кичик деталларига ҳам эътибор бериш, енгил ва тез амалга ошувчи ҳаракат ва эмоционал мослашувчанлик. Майин, оҳиста ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш кузатилади. <i>Юқори даражадаги сезувчанлик, идрок этиш ва эмоционал реактивликнинг намоён этилиши. Узоқ давом этувчи ҳаракат юкламаларига бардош бера олмаслик, тез-тез дам олиш – куч ва энергияни тиклашга интилиш.</i>

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, мусиқани чуқур идрок этиш нафақат эшитиш органларининг туғма имкониятлари, соғлом эшитиш органларига, балки, идрокдаги ижтимоий тажрибага ҳам боғлиқ.

Юқорида айтиб ўтилган мусиқий қобилиятларни диагностика қилиш усуллариининг муваффақиятли амалга оширилиши учун албатта ўқитувчида юксак педагогик маҳорат ҳамда қобилиятларни диагностика қилиш борасида билим ва тасаввурлар мавжуд бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Мусиқа маданияти машғулотлари жараёнида ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини мунтазам ўрганиб бориш мусиқага нисбатан қизиқишларни мунтазам ўстириб боришга ва шу орқали таълим мақсадини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

2. ЎҚУВЧИЛАРДА МУСИҚИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШНИНГ ЙЎЛ ВА УСУЛЛАРИ.

§ 2.1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини ўрганиш

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини ўрганиш мусиқа педагогикасининг марказий масалаларидан биридир. Чунки, бошланғич синфдаги болаларнинг мусиқий имкониятларини билмасдан туриб, улар билан мусиқий таълимни мақбул тарзда ташкил этиш қийин, албатта.

Бинобарин, турли мусиқий фаолиятлар – куйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, мусиқий ритмик ҳаракатлар, болалар ўйинчоқ чолғу асбобларида ижро этиш, мусиқий ижодкорлик, чолғу созлари билан танишиш, мусиқа тарихига оид материаллар билан танишиш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш учун ўқувчида кучли мусиқий қобилиятлар мажмуаси бўлиши муҳимдир.

Мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, олий таълимнинг магистратура босқичигача бўлган мусиқий жараён узлуксиз мусиқа таълими тизимини акс эттиради. Барча таълим босқичларидаги ўқув жараёнининг мазмуни узвий боғланган бўлиб, уларнинг материали изчилликда, оддийдан-мураккабга тамойили асосида ривожланиб боради.

Ушбу жараённинг дастлабки, ҳал қилувчи босқичи бўлган бошланғич мактаб даврида болаларнинг мусиқий қобилиятларини ўрганиш асосида таълимни ташкил этиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар умумий таълим мактаби мусиқа дарслари жараёнида чолғулар билан танишиш, кўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш, рақс тушиш каби мусиқий фаолиятлар ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Айрим ўқувчилар мусиқа мактабида, синфдан ташқари чолғучилар тўғараги ёки мактабдан ташқари болалар ижодий уйларида чолғуларда ижро этишнинг дастлабки амалий асосларини ўзлаштирадилар.

Айниқса, дарсда мусиқий қобилиятлари турли даражада ривожланган ўқувчилар иштирок этади. Шу жиҳатдан, мусиқий таълим машғулотларини ташкил этишда кўпгина мураккабликлар юзага чиқади. Жумладан, мусиқа материални ўқувчиларга етказишда улар ушбу материални бир текис ўзлаштирамайди, баъзи ўқувчилар биринчи ижро этилганидаёқ ўрганиб олса, бошқаларининг ушбу мусиқа материални ўрганиши учун асар парчасини бир неча марта қайтаришга тўғри келади. Бу жиҳат болалардаги мусиқий қобилиятлар даражасининг турлича эканлигини кўрсатади.

Бошланғич синфлар ўқувчиларининг мусиқий билим даражаларини аниқлаш мақсадида қуйидаги методикалардан фойдаланиш мумкин.

Тингланган халқ кўшиқларига берилган баҳолар характерини ўрганиш учун мўлжалланган сўровнома-жадвал

Синалувчининг исми, шарифи _____

Синфи _____ Мактаб № _____

Хурматли _____
(Ф.И.О.)

Тинглаганингиз _____ ни

белгилаб, (куй, кўшиқнинг номи) тўртта параметр бўйича баҳоланг. Масалан, ижро характери бўйича асарни *қувноқ* характердаги асар деб ҳисобласангиз, қувноқ сўзининг тагига чизиш билан белгилаб боринг. Ҳар бир параметр бўйича жавоблар шу тарзда ифодаланади. Ушбу экспериментда тинглаб, таҳлил этилиши мўлжалланган халқ кўшиқлари (репертуар эркин тарзда танланиши ва мазкур асарлар бошқаси билан алмаштирилиши мумкин):

- 1) «Бойчечак»;
- 2) «Лайлак келди»;
- 3) «Яллама ёрим».

Халқ куйлари:

- 1) Дутор баёти;
- 2) «Олма атиржон»;
- 3) «Хоразм лазгиси» (муסיкий аудио ёки видео ёзувлардан фойдаланиш мумкин).

Диагностик текширув 2 босқичда ўтказилиб, 1-босқичда халқ кўшиқлари, 2-босқичда халқ куйлари тингланади ва асарлар тавсифи: ҳар бир кўшиқ ва куй учун 1 та сўровнома-жадвал, жами 3 та алоҳида тўлдирилади ҳамда учта сўровноманинг умумий ўртача баллари чиқарилади.

Калит: Жавоблар вариантлари "тўғри" ёки "нотўғри"га ажратилади ҳамда юқоридаги 4 та параметр бўйича ҳар бир "тўғри" жавобга 14,3%, "нотўғри" жавобга 0 % берилади.

Халқ кўшиғи		
№	Параметрлар	Хусусиятлар
1.	Асарнинг ижро характери	Қувноқ, ўйноқи, оғир
2.	Асарнинг ижро суръати	Тез, секин, ўртача суръатда
3.	Матн мазмуни	Табиат, қушлар, ўсимликлар, гуллар, инсонлар, ватан ҳақида куйланади
4.	Асар ижросида қатнашган миллий чолғу созлари	Дутор, най, ғижжак, рубоб, дойра, чанг, танбур
Халқ куйи		
№	Параметрлар	Хусусиятлар
1.	Асарнинг ижро характери	қувноқ, ўйноқи, оғир
2.	Асарнинг ижро суръати	Тез, секин, ўртача суръатда
3.	Асар ижросида қатнашган чолғу созлари	Дутор, най, ғижжак, рубоб, дойра, чанг, танбур

Даражалар: “паст” - 3 тагача тўғри жавоб учун (14,3-43,0%);

“ўрта” – 4–5 тагача тўғри жавоб учун (57,2-71,5%);

“юқори” - 6-7 тагача тўғри жавоб учун (85,8-100%).

Бундан ташқари халқ муסיқаси ҳақида ўқувчиларнинг шаклланган ёки мавжуд муносабатларини аниқлаш ҳам муסיқий таълимни муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шунга асосан В.И.Петрушиннинг муסיқага нисбатан мавжуд муносабатларни ўрганиш методикасидан фойдаланиш мумкин.

*Ўқувчиларнинг тингланган муסיқага муносабатлари намоён
бўлишини ўрганиш бўйича В.И.Петрушин тести*

Хурматли _____
(исми, шарифи)

Сиз ушбу тестнинг саволларини диққат билан ўқиб, ҳар мазмунидан келиб чиққан ҳолда савол тўғрисида "ҳа" ёки "йўқ" деб белги қўйишингиз зарур.

I. Синалувчи ҳақида маълумот.

1. Мактаб № _____

2. Синф _____

II. Синалувчи жавоб бериши лозим бўлган тест саволлари.

1. Менга халқ муסיқаси ҳақида суҳбатлар ёқади.....**ҳа**
2. Халқ муסיқаси намуналарини тинглаб онгимда тасаввур қилишга ҳаракат қиламан.....**ҳа**
3. Ўқитувчилар менда расм чизишга қобилиятни аниқлашди.....**ҳа**
4. Менга куйлашдан кўра халқ муסיқа асарини тинглаш кўпроқ ёқади.....**ҳа**
5. Менга мақом муסיқасини тинглаш ҳамма вақт ҳам ёқавермайди.....**йўқ**
6. Менимча, халқ муסיқаси мазмунини тушуниш, қўшиқ куйлашга нисбатан камроқ аҳамиятга эга.....**йўқ**
7. Мен агар жуда зарурат туғилмаса, синфда камроқ қўшиқ куйлашга ҳаракат қиламан.....**ҳа**
8. Муסיқа саводи бўйича кўпинча тайёрланмасдан келаман.....**йўқ**
9. Менга куйлашдан кўра, ўртоқларим ижросини баҳолаш ёқади.....**ҳа**
10. Менинг энг катта орзуим - мақом муסיқасини тинглаб унинг мазмунини тушуниш.....**ҳа**

11. Халқ мусиқасини тинглаш мени унча қизиқтирмайди.....**йўқ**
12. Халқ кўшиқларида ҳиссий ифодадан кўра унинг мазмуни мени кўпроқ қизиқтиради.....**ҳа**
13. Халқ мусиқасини тушуниш учун у ҳақда чиройли сўзлар айтиш шарт эмас.....**йўқ**
14. Мусиқадан яхши баҳо олиш учун халқ мусиқаси ҳақида билиш шарт эмас.....**йўқ**
15. Мусиқа тинглаб мен кўпинча унинг ички мазмунини англашга ҳаракат қиламан.....**ҳа**
16. Менга тинч ва шинам (қулай) ҳолатда фикрлаш ёқади.....**ҳа**
17. Дўстларимга таъсирчан мусиқа асарлари ҳақида сўзлаб бериш менга ёқади.....**ҳа**
18. Мени у ҳақдаги суҳбатлардан кўра, халқ мусиқасининг ўзи кўпроқ қизиқтиради.....**йўқ**
19. Уйимизда халқ мусиқаси ёзувлари бўлган фонотекам бор.....**ҳа**
20. Тингланган халқ мусиқа асарлари ҳақида баҳс юритиш мени кўпроқ ўзига жалб этиши мумкин.....**ҳа**
21. Мен турли концертларга ўртоқларимдан кўра кўпроқ кираман.....**ҳа**
22. Мен халқ мусиқа санъатининг муҳим аҳамиятини ўртоқларимга тушунтиришга ҳаракат қиламан.....**ҳа**
23. Қардош халқлар мусиқасини ўрганишга унча ҳам интилмаيمان.....**йўқ**
24. Менга халқ мусиқасининг маҳаллий услублари ҳақида баҳслашиш ёқади.....**ҳа**
25. Паст савиядаги мусиқаларни тингламасликка ҳаракат қиламан.....**йўқ**

26. Одатда, мен ҳар чоракда бир марта берилган қўшиқни яхшилаб тайёрлаб келаман.....**ҳа**
27. Мен дарсда ўқув дастурида талаб қилинганлиги учун қўшиқ куйлайман.....**ҳа**
28. Менимча, ҳар қандай аълочи ўқувчи бўлишига қарамасдан, халқ мусиқаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун тингловчини махсус тайёрлаш керак.....**ҳа**
29. Аъло баҳо олиш учун, иложи бўлганда, қўшиқни дарсда фонограмма билан айтар эдим.....**ҳа**
30. Тингланган халқ мусиқаси ҳақида ўз таассуротларимни сўзлаб бериш учун мендан илтимос қилиш шарт эмас.....**ҳа**

Калит: “**ҳа**” ёки “**йўқ**” белгиси билан ўқувчи жавоби бир хил бўлса, 1 балл, бошқача бўлса 0 балл қўйилади. Максимал балл 30. Ҳар бир балл 3,3 фоизни ташкил этади:

"Паст" даража	-----	10-14 балл (33,3-46,2%);
"Ўрта" даража	-----	15-20 балл (49,5-66,0%);
"Юқори" даража	-----	21-30 балл (69,3-100%).

Мусиқа асарларининг ички тузилиши ҳақида маълумотлар олишга мўлжалланган методика.

Ушбу методика орқали ўқувчи-ёшларнинг мусиқий билимлари ҳажми борасида маълумотларга эга бўлиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Мазкур методика:

- 1) синалувчи ҳақида маълумотлар;
- 2) синалувчининг оиласи ҳақида маълумотлар ва;

3) тингланган мусиқа асарларининг ички тузилиши ҳақида маълумотлар олишга мўлжалланган саволномалар блокдан иборат.

Ушбу методикани ишлаб чиқишда мусиқий қобилиятларнинг барча жиҳатлари устувор кўрсаткич сифатида қабул қилинди.

Тингланган халқ мусиқа асарларининг ички тузилиши ҳақида маълумотлар олишга мўлжалланган саволлар (танлаган вариантнингизнинг тағига чизинг):

1. Асар тузилиши қандай шаклда? – 1. Нақаротли; 2. Оддий 1 қисмли;

2. Асар қандай характерда ижро этилди? – 1. Қувноқ; 2. Рақсона; 3. Жиддий;

3. Асарнинг ижро усули қандай шаклга хос? – 1. Рақс; 2. Марш; 3. Вальс;

4. Асар қандай суръат (темп) да ижро этилади? – 1. Тез; 2. Ўртача; 3. Секин;

5. Асар ижроси давомида товуш кучи (динамикаси) қандай ифодаланади? – 1. Кескин-контраст (кучли-кучсиз); 2. Ўртача (кучлироқ- кучсизроқ); 3. Деярли бир маромда (баланд, ўрта ёки паст);

6. Асар ижросида иштирок этган чолғу созлари номларини тағига чизиб белгиланг: 1. Рубоб; 2. Ѓижжак; 3. Най; 4. Чанг; 5. Қонун; 6. Танбур; 7. Дутор; 8. Дойра.

Ушбу экспериментда тинглаб, таҳлил этиш учун тавсия этилган халқ чолғу асарлари (репертуарни хоҳишга кўра ўзгартириш мумкин): 1) «Ўзганча», 2) «Фарғонача», 3) «Алиқамбар»

(асарларнинг халқ чолғу ансамблида ижро этилган ёзувларидан фойдаланиш мумкин).

Калит: Жавоблар "тўғри" ёки "нотўғри" вариантлари орқали белгиланади: умумий кўрсаткичлар қўшиб ҳисоблаш орқали % да чиқарилади.

Даражалар: "паст" - 0-3 та тўғри жавобга - 0-50,0%

"ўрта" - 4-5 та жавобга - 66,0–83,0%

"юқори" - 6 та жавобга - 85,0 - 100%

Ушбу методика вазифасига кўра синалувчи асарни тинглаб - асар тузилиши, ижро характери, усули (ритми), суръати (темпи), товуш динамикаси (кучи), ижрода иштирок этган чолғу асбобларини аниқлаб бериши сўралади. Методикани қўллаш орқали эришиладиган натижалар ишончилиги юқори бўлишини таъминлаш мақсадида қўйилган саволларга мос бўлган асарлар танланади.

Муסיқий фаолият (муסיқани тингловчига узатиш, яъни, ижро этиш ҳамда тинглаб, ундан маънавий озуқа олиш, таъсирланиш) кечинма ва ҳиссиётлар асосида амалга ошириладиган жараён бўлганлиги боис, уни диагностика қилишда муסיқий – психологик мезонлардан фойдаланиш тақозо этилади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, ўқувчилар мазкур методика орқали экспериментга жалб қилиниши мумкин. Тадқиқот натижасида муסיқий идрокда биологик ва ижтимоий омилларнинг ўрни ва фарқли жиҳатлари борасида маълумотларга эга бўлинади.

Биз мазкур тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида амин бўлдикки, муסיқага қизиқиш нафақат муסיқий қобилиятнинг кучли

ифодаланиши, ижтимоий муҳитда маълум мусиқанинг янграш интенсивлигига (мунтазам ёки гоҳи-гоҳида), ушбу асар борасида шаклланган ижобий ижтимоий фикрга боғлиқлиги, шунингдек, у маънавий тарбия маҳсули эканлиги намоён бўлди.

Бошланғич синф ўқувчиларида қўшиқлар ҳақидаги билим ва тасаввурларнинг намоён бўлиши (маълумоти даражаси) ни ўрганиш методикаси

Ўқувчи берилган мавзулар бўйича халқ қўшиқлари номини, куйини ёки маълум матн парчасини айтиб бериши лозим. Диагностик эксперимент индивидуал тарзда ўтказилади ва оғзаки жавоблар юзасидан баённомалар тузиб борилади.

Савол: қуйидаги мавзуларга хос қайси халқ қўшиқларини биласиз?

- | | |
|--------------------|-----------------------------|
| 1. Ватан ҳақида | 2. Билим олиш ҳақида |
| 3. Дўстлик ҳақида | 4. Меҳнат ҳақида |
| 5. Табиат ҳақида | 6. Пахта ҳақида |
| 7. Наврўз ҳақида | 8. Баҳор ҳақида |
| 9. Гуллар ҳақида | 10. Нон ҳақида |
| 11. Мевалар ҳақида | 12. Болалар ўйинлари ҳақида |

Калит: Ушбу 12 та йўналишнинг ҳар бири бўйича 1 та келтирилган мисол (мусиқа асари) учун 4,1%, 2 та ва ундан ортиқ мисол учун 8,3%, аниқ жавоб бўлмаса 0 % берилади.

Даражалар: "паст" - 6 тагача тўғри жавоб учун (0-49,2%);
"ўрта" - 7-9 тагача тўғри жавоб учун (53,3-70,0%);
"юқори" - 10-12 тагача тўғри жавоб учун (73,0-100%).

Мазкур методикани амалга ошириш чоғида синалувчи тақдим этилган асарларни тинглаб – унинг шакл тузилиши, ифодавий имкониятлари, ижро суръати (темпи), характери, ижро жараёнида иштирок этган вокал овозлар ва чолғу асбоблари товушини тембр хусусиятларига кўра аниқлаб бериши лозим бўлади.

Амалга ошириладиган юқоридаги диагностик усуллар ўқувчиларнинг мавжуд муסיқий қобилиятлари даражаси ҳақида зарурий аниқ маълумотлар олишга имкон яратади. Бу эса муסיқий таълим сифатини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

§ 2.2. Ўрта синфлар муסיқа маданияти дарсларида ўқувчиларнинг муסיқий қобилиятларини диагностика қилишнинг йўл ва усуллари

Умумтаълим мактабининг муҳим даври, ўрта синфлар ўқувчиларининг муסיқий имкониятлари, яъни, муסיқий қобилият ва лаёқатлари, тингланган ёки куйланган асардаги муסיқий мазмунни мантиқий англаш имкониятлари бошланғич синф ўқувчилариникидан анча юқори, ривожланган бўлади. Шу боис, уларнинг муסיқий имкониятлари даражасини диагностик ўрганишда ёш ва интеллектуал

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда методикаларни танлаш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, тингланадиган ҳар бир муסיқа асарига бериладиган баҳо ўқувчи-тингловчининг муסיқий диди, ушбу асарга ва умуман муסיқага нисбатан муносабати, билим даражаси ҳамда дунёқараши даражасини белгилайди.

Шу муносабат билан “Тингланган кўшиқларга берилган баҳолар характерини ўрганиш учун мўлжалланган методика”дан фойдаланиш мумкин.

*Тингланган муסיқа асарида иштирок этган миллий чолғу созлари
ҳақида маълумотлар олишга мўлжалланган саволнома-жадвал
(ўрта синфлар учун)*

Ҳурматли _____
(ўқувчининг исми, шарифи)

Сизга олтига якканавоз (бирта чолғу созида ижро этилган) асарлардан парчалар эшиттирилади. Қуйидаги жадвалда ўша чолғу созларининг номлари келтирилган. Сиз танлаган куй парчасини қайси чолғу сози ижро этган, деб ҳисобласангиз - ўша чолғу сози тўғрисидаги катакларга, ижро этилиш навбати бўйича (рақамлар тўғрисида) белги (+) қўйиб боринг.

Биз сиздан ҳар бир куй ижро этилган чолғу созини - товуш тембри (туси) ва ижро характери бўйича аниқлаб, жавоб беришингизни сўраймиз.

Миллий чолғу созлари	1	2	3	4	5	6	7	8	Жами
Қашқар рубоби									
Дутор									
Ғижжак									
Чанг									
Най									
Танбур									
Жами (умумий)									

Диагностик экспериментда тинглаб, таҳлил этиладиган асарларнинг тахминий репертуари:

- 1) Дўлонча, ўзбек халқ куйи, қашқар рубобида;
- 2) Чертмак, ўзбек халқ куйи, дуторда;
- 3) Қари наво, ўзбек халқ куйи, найда;
- 4) Яллама ёрим, ўзбек халқ куйи, ғижжакда;
- 5) Жонон, ўзбек халқ куйи, чангда;
- 6) Тановар, ўзбек халқ куйи, танбурда ижро этилади (муסיқий ёзувлардан фойдаланиш мумкин).

Калит: Жавоблар вариантлари - "тўғри" ёки "нотўғри"га ажратилади. Ҳар бир тўғри жавобга 1 балл, нотўғри жавобга 0 балл берилади.

Даражалар: "паст" - 0-4 балл;

"ўрта" - 5-6 балл

"юқори" - 7-8 балл

*Ўрта синф ўқувчиларининг musiқа асарларини баҳолаш
характерини ўрганиш методикаси*

Ушбу методика бўйича ўқувчилар қуйидаги куй, қўшиқ ва мақом musiқаси асарларини тинглаб, таҳлилий баҳо беришлари лозим (экспериментда репертуар танлаш эркин тарзда амалга оширилади ва унда musiқий ёзувлардан фойдаланиш мумкин).

Мисол учун:

I. Халқ куйлари:

- 1) Дилхирож (1-синф, 70)
- 2) Янги тановар (М.Мирзаев м.) (1-с.,103)
- 3) Норим-норим (Ҳ.Нурматов. "Ўзб. халқ мус." тўпл. 23-24 б)
- 4) Хоразм лазгиси (Ўқув қўлланма, 66-67 б.)
- 5) Жонон (3-синф, 54 б.)

II. Халқ қўшиқлари:

- 1) "Санамо" (Машраб ғазали) 3 т. (282-285 б.)
- 2) "Дарёларнинг ул юзида..."
- 3) Фабрика (Мус. диктантлари, 11 б.)
- 4) Омон-ёр (Мус. диктантлари, 14 б.)
- 5) Фарғона насруллоси (3-т., 214-217 б.).

II. Мақомлардан парчалар:

- 1) "Рост» дан "Тарона-IV" 5 т. (218-220 б.)
- 2) "Бузрук» дан "Насруллои" 5 т. (57-63 б.)
- 3) "Рост» дан "Савти калон соқийномаси" 3 т. (178-181 б.)

4) "Наво" мақомидан "Сувора" (Хоразм мақомларидан)
(Хоразм мақ. IV-том, 247-255 б.)

5) Тошкент-Фарғона мақомларидан "Баёт-III", Навоий ғазали
(3-т., 49-52 б.).

Диагностик эксперимент 3 босқичда, жанрлар бўйича ўтказилади. Ҳар бир жанрга мансуб асар 2 мартадан эшиттирилиб, ёзма тавсиф учун 10 минут вақт ажратилади. Тавсиф беришда асарнинг бадиий, ижтимоий, тарбиявий-маънавий, муסיқий, ҳиссий таъсир хусусиятлари ва аҳамиятини акс эттирувчи маълумотлар келтирилиши мумкин.

Олинган натижалар муסיқий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилиниб, қуйидаги параметрлар бўйича ажратилади, яъни, баҳолаш характери:

- 1) Асарнинг тарбиявийлигига;
- 2) Асарнинг ҳиссий-руҳий хусусиятларига;
- 3) Асарнинг ижро сифатига;
- 4) Асарнинг ижро этилиш усулига;
- 5) Асарда миллий хусусиятлар ифодаланишига;
- 6) Асарнинг субъектив мазмун касб этишига;
- 7) Асарнинг ижтимоий мазмун-моҳиятига;
- 8) Асарда замонавий ижро элементларининг ифодаланишига;
- 9) Асарда миллий чолғу созларининг ижро хусусиятларига;
- 10) Асарнинг умумий ижро характерига қаратилганлиги аниқланади.

Калит: 1, 3, 5, 7, 9-нчи параметрлар бўйича берилган баҳоларга 2 балл, 2, 4, 6, 8, 10-нчи параметрлар бўйича берилган баҳоларга эса 1 баллдан берилади. Максимал балл – 15. Ҳар бир балл 6,6% ни ташкил этади.

Даражалар: "паст" - 0-7 балл (0-46,2%);

"ўрта" - 8-10 балл (52,8-66,0%);

"юқори" - 11-15 балл (72,6-100%).

Ўзбек халқ муסיқасининг жанрлари ҳақидаги билимлар ҳажмини ўрганиш бўйича саволнома-жадвал (ўрта синфлар учун)

Ҳурматли _____
(ўқувчининг исми, шарифи)

Сизга турли жанрларга мансуб муסיқа асарлари тинглаш учун тақдим этилади. Ушбу тингланган асарларни қайси жанрга мансуб деб ҳисобласангиз, ижро этиш тартиби (кетма-кетлиги) бўйича жавоблар жадвалининг ўша жанр тўғрисидаги рақами катагида белгиланг.

Масалан, дастлабки тингланган асарни якканавоз (бирта чолғу созида ижро этилган) асар деб ҳисобласангиз, жадвалдаги "якканавоз чолғу асари" графасининг 1 рақами қўйилган вертикал графа кесишган катагида белги (+) қўясиз.

I. Синалувчи ҳақида маълумотлар.

1. Мактаб _____

2. Синфи _____

II. Синалувчи тинглаб, аниқлаши лозим бўлган халқ муסיқаси жанрлари (тахминий репертуар режаси):

1. Ялла («Ҳова, ҳей ҳова»);
2. Алла («Алла», Ҳ.Охунова ижроси);
3. Терма («Чорзарб Мавриги»);
4. Катта ашула («Қойилман»);
5. Якканавоз чолғу асари («Норим-норим», ўзбек халқ куйи, дуторда ижро этилади);
6. Шашмақомдан парча («Насруллоий», Навоий ғазали);
7. Хоразм мақомларидан парча («Наво» мақомидан «Тарона»);
8. Тошкент - Фарғона мақом йўлларида парча (Баёт 2. Муқимий ғазали).

Изоҳ: Тингланадиган асарлар жонли ижро ёки ёзувда амалга оширилиши мумкин.

№3-жадвал

	Жанрлар	1	2	3	4	5	6	7	8	Жа-ми
1.	Ялла									
2.	Алла									
3.	Терма									
4.	Катта ашула									
5.	Якканавоз чолғу асари									
6.	Шашмақомдан парча									
7.	Хоразм мақомларидан парча									

8.	Тошкент-Фарғона мақом йўлларида парча									
Жами (умумий)										

Калит: Жавоблар "тўғри" ёки "нотўғри" тарзида қайд этилади.
 Ҳар бир "тўғри" жавобга 12,5%, "нотўғри" жавобга 0 % берилади.

Даражалар: "паст" - 4 тагача тўғри жавоб учун (48,0% гача);

"ўрта" - 5-6 та тўғри жавоб учун (60,0-75,0% гача);

"юқори" - 7-8 та тўғри жавоб учун (87,0-100% гача).

Бу методикани қўллаш орқали қўлга киритиладиган барча натижаларнинг асосланганлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида қўйилган саволларга тўла жавоб берадиган асарлар танланиши мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, ўрта синфлар билан ўқувчиларнинг муסיқий қобилиятларини диагностик ўрганиш ва шу асосда ривожлантирувчи таълим фаолиятини амалга ошириш мақсадида юқорида келтирилган тадқиқот методикаларидан изчил фойдаланиш мумкин.

Мазкур методикаларда ҳам муסיқий мезонлар, ҳам педагогик-психологик мезонлар ифодалаганлигини таъкидлаш зарур. Ўқувчи-

ёшларда мусиқий билимларнинг шаклланиши динамикасини ўлчаш орқали истиқболда улар билан олиб бориладиган мусиқа машғулотларини ташкил этиш, ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантириш истиқболлари мавжуд.

Ушбу методикаларни қўллаш жараёнида ўқувчиларнинг маълум мусиқа асарларига берган баҳоси, билдирган муносабатлари, аниқлаган чолғу созлари – уларнинг мусиқий қобилият ва қизиқишлари борасида ишончли маълумотларга эга бўлишга имкон яратди.

Энди ушбу ўқиш жараёнида амалга оширган мусиқий фаолиятларимизнинг натижаси сифатидаги ижро этилган чолғу асарлар борасида таҳлилий фикр юритамиз.

Мисол тариқасида “Шашмақом”дан “Соқиномаи савти калон”ни дуторда ижро этиб бераман. Ушбу асар $\frac{3}{4}$ чоракли ўлчовда, соқийнома дойра усулида ижро этилади.

ХУЛОСА

Ўқувчиларнинг муסיқий қобилиятлари даражаси муҳим кўрсаткич бўлиб, унинг юқори даражада ифодаланиши катта бадий - муסיқий муваффақиятларга эришишга олиб келади.

Муסיқий қобилиятлар диагностикаси мактаб муסיқа таълимининг ажралмас таркибий қисми сифатида доимий, тизимли тарзда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Бироқ, бугунги кунда ўқувчиларнинг муסיқий қобилиятларини диагностика қилиш аҳволи қониқарли даражада эмас.

Бунинг сабаблари, бизнингча қуйидагилардан иборат:

1) Мактаб муסיқа дарсида асосан турли муסיқий фаолиятлар бўйича ишлар амалга оширилади, бироқ, ўқувчиларнинг муסיқий қобилияти даражаси алоҳида ўрганилмаслиги;

2) Болалар билан уларнинг муסיқий қизиқишлари, ушбу қизиқишларнинг уларда намоён этилиши сабабларини ўрганиш паст даражада эканлиги;

3) Мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, болаларнинг муסיқий қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмаслигидир.

ТАВСИЯЛАР

Ўқувчиларнинг муסיқий қобилиятларини ўрганиш, диагностика қилишни амалга ошириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

1. Таълим тизимининг барча бўғинларида муסיқий қобилиятларни ўрганиш ишини мувофиқлаштириш.
2. Ўқувчиларнинг дарсда муסיқий фаолият билан муваффақиятли шуғулланиши учун қулай руҳий-ҳиссий вазият яратиш.
3. Бугунги кунда мавжуд ва кенг тарқалган методикаларни ўрганиш ва улар воситасида ўқувчиларнинг мавжуд муסיқий қобилиятлари даражасини ўрганиш.
4. Ҳар бир муסיқий фаолиятни амалга оширганда, дарс материални қизиқарли тарзда ўқувчиларга етказиш.
5. Фаолиятлар жараёнида муסיқий қобилиятлар намоён этилиши даражасини ўрганиш ва шу асосда кейинги педагогик ишни ташкил қилиш.
6. Муסיқий қобилиятлари нисбатан паст ифодаланган ўқувчилар билан дарсда алоҳида ишлаш.
7. Ўқувчиларни муסיқий фаолиятларга қизиқтириш мақсадида улар билан мунтазам тарзда муסיқа борасида баҳс-мунозаралар ташкил этиш ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб бориш.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муסיқий-диагностик иш усуллари ўқувчиларнинг муסיқий қобилиятларини ўрганиш ва шу асосда уларни ривожлантириб бориш, пировард натижада ўқувчиларни

юксак маънавиятли, эркин фикрли, бадий-эстетик жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга имкон яратади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон. 2011.
2. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 141 б.
3. Акбаров И.А. “Муסיқа луғати”.- Т.: Ўқитувчи, 1997. – 384 б.
4. Анисимов В.П. Диагностика музыкальных способностей детей. Учеб. пособие. – М.: ВЛАДОС.
5. Александрова Ю.В. Методики диагностики. Методическое пособие. Москва-Воронеж. Изд-во НПО «МОДЭК». 2001.
6. Вахромеев В.А. “Музиканинг элементар назарияси”. - Т.: Ўқитувчи, 1980. - 224 б.
7. Дмитриева Л.Г. Черноиваненко Н.М. “Методика музыкального воспитания в школе”. Учебник. М.: Просвещение, 1989. - 207с.
8. Кабалевский Д.Б. “Про трёх китов и про многое другое”. Книга о музыке. - М.: Детская литература, 1970. - 224 с.
9. Мактабда муסיқа тарбияси методикасидан лекциялар курси. (тезислар). Д.Омонуллаев. - Т., 1990.- 87 б.

10. Матёкубов О. “Оғзаки анъанадаги профессионал музика асосларига кириш”. Ўқув қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 1983. - 64 б.
11. Муסיқанинг элементар назарияси. Ўқув қўлланма. Тузувчи: А.Р.Баҳриев. Бухоро - 2008.
12. Мактаб мусиқа дарсликлари. 1-7 синф синфлар учун. Тошкент, “Ўқитувчи” ва “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт”лари. 1999-2007 й.

ИЛОВАЛАР

ОЖИИНОМАИ САВТИ КАЛОИ

Кел турса юз ба ло ни у шу

бе шо фо ма нга кел суи а гар ю з им ни о бу

сам, ба ло ма нга Нет гай мен ул ра фи

би ла ким, ки лур ба се,

ме х ру ва фо ра ки б га, жав ру жа фо ма нга.

Бе го на бул са а қл ме ни

тел ба ди, не то нг, чун бул ди ул пар си фа тим

о ши но ма нга О ху е ши м ди

ор та ду рур заъф, эа, та би б,

би а ди я раш мас эм ди бу о бу ха во ма нга!

Дар дим ку руб му о ли жа да

Шаммаком, II т.

Handwritten musical score on ten staves. The lyrics are in Cyrillic. The notation includes various musical symbols such as notes, rests, and dynamic markings like 'VI.' and '1. 0'. The lyrics are: 30 - еъ эт - ма укр = 0, ким жонда дар-ди, ишқ ду-рур бе - дв-во ма-нга. 0, То ер ким-ки ис - та-бу кунг-лино ким е-қар, таш-виш бе - жиҳ - ду-рур о, хир сая-го, мен-га, азгасса.

30 - еъ эт - ма укр = 0

ким жонда дар-ди

ишқ ду-рур бе - дв-во ма-нга. 0

То ер ким-ки ис - та-бу кунг-лино ким е-қар

таш-виш бе - жиҳ - ду-рур о

хир сая-го, мен-га, азгасса